

**Б.Б. Холов,
катта илмий ходим-изланувчи, ТДИУ**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

В данной научной статье обширно отражена сфера транспортных услуг, которая считается самой важной отраслью нашей экономики и инфраструктуры туризма.

Указано место и значение транспортных услуг в создании тур продукта.

In this scientific article is broadly reflected the sphere of transport services, which is considered the most important sector of our economy and tourism infrastructure.

Here is specified the place and important role of transport services in the creation of a tour product.

Калилти сўзлар: транспорт хизматлари, йўловчилар хавфсизлиги, ички авиааташув, халқаро авиааташув, круиз, отлик туристик маршрут.

Транспорт хизматларини кўрсатиш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган ҳуқуқий базага асосланади.

Ушбу ҳужжатлар:

- 1) турли халқаро транспорт ташкилотлари томонидан;
- 2) мамлакатларнинг миллий қонунчилиги доирасида;
- 3) юк ва йўловчи ташувчиларнинг ички қоидалари тарзида ишлаб чиқилган.

Халқаро туризмни амалга оширишда транспорт хизматлари кўрсатишнинг турли жиҳатларига алоҳида дикқат-эътибор қаратиш лозим. Саёҳатлар соҳасида халқаро ҳамкорлик чегараларининг кенгайиши божхона, чегара ва санитария назоратини амалга ошириш нормалари ва қоидаларини муттасил такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Фан ва техника тараққиёти одамларни ер юзининг исталган нуқтасига тез элтиб қўйишига қодир транспорт воситалари (овоздан тез учар самолётлар, тезюарар поездлар, автомобиллар, музёарар ва сувости транспорт ва б.) пайдо бўлишига, шунингдек, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасига янги технологиилар жорий этилишига олиб келди. Бу чипталарни бронлашнинг глобал тизимларида ва чипталар сотишнинг ноанъянавий усулларида, юк ва йўловчи ташувчиларнинг чартер дастурлари вужудга келиши ва ривожланишида, турли ахборот тизимлари ишлаб чиқилишида, йўловчи ташишнинг техник ва технологик нормаларини назорат қилиш электрон қурилмаларидан фойдаланишда, уларнинг хавфсизлигини оширишда ўз ифодасини топмоқда.

Муайян транспорт тузилмалари ўртасида ҳамда ҳар бир транспорт тури доирасида йўловчи ташувчилар ўртасидаги рақобат кураши йўловчиларга

хизмат кўрсатишнинг такомиллашуви жараёнига кучли туртки берди. Сервис сифати ва даражасининг ошиши ҳаракатланадиган таркибнинг ҳозирги техник жиҳозланишида, йўловчиларга қулай ва шинам шарт-шароитлар яратилишида, транспорт воситалари салонида йўловчиларнинг дам олиши ташкил этилишида, йўловчиларни овқатлантириш сифатининг ошишида, транспорт компанияларининг доимий мижозлари учун рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилишида намоён бўлмоқда. Йўловчи ташувчилар транспортда болалар ва ногиронларга, шунингдек, бошқа тоифа йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича маҳсус тадбирларни амалга оширмоқдаларки, бу йўловчилар эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун имконият яратмоқда.

Турли транспорт тизимлари ўртасида яқин ҳамкорлик транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасидаги муҳим йўналишлардан биридир. Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш транспорт хизматлари кўрсатишнинг энг муҳим масаласи бўлиб, у ҳаракатланадиган таркибдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишни, транспорт воситалари ҳаракатини таъминловчи турли хизматлар профессионал тарзда ва уюшқоқлик билан ишлаши, йўловчилар ҳам хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишини, экологик тоза транспорт турларидан фойдаланишни назарда тутади.

Туристларнинг гурух-гурух бўлиб ташиш маршрутлар ишлаб чиқиш, чипталарни буюртма қилиш, транспортда жойлаштириш, дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун туристик фирмалар транспорт компаниялари билан яқин алоқалар ўрнатишига тўғри келади.

Туристик маҳсулотлар таркибида туристларни ташиш хизмати етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Бу шу билан ифодаланадики, барча туристик йўналишларда (пиёдалардан ташқари) саёҳатчиларни дам олиш ёки экспурсияга элтиш ва уйга қайтиши учун транспорт бўлиши таббий ҳол бўлиб қолмоқда.

Туризм фаолият тури сифатида туристларни ташиш хизмати доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши билан узвий боғланган ва уни транспорт таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт таъминоти туристик тузилманинг муҳим элементи ҳисобланади ва туристик маҳсулотлар таркибига киритилган асосий комплекс хизматларни ташкил қиласи. Транспорт корхоналари туризм тизимини шакллантирувчи туристик корхоналарнинг алоҳида кўринишлари сифатида қараб чиқилади.

Туризм соҳасида транспорт таъминоти тизими қўйидағида фарқаланади:

- турга қўшилган ва асосий туристик хизматларга киравчи туристик ташиш воситаси сифатида, туристларни доимий яшаш жойидан белгиланган манзилга элтиб қўйиш (ёки йўналиш бошланадиган жойга) ва қайта олиб келиш;

- трансфер – туристларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш учун транспорт воситаси тақдим этиш;

- тур-сафар бўйича дастурлаштирилган тадбирларга хизмат кўрсатиш: экспурсион хизмат, дастурдаги тадбирларга бориш, атрофга ташриф бюриш, йўналиш бўйича кўчиш;

- турга киритилган саёҳат давомида ижарага бериладиган енгил автомашина.

Транспортда ташиши хизматларининг хили ва тури бўйича қўйидагича маснифланади:

- ташишнинг ер устида олиб юриш турлари бўйича;

- инсоннинг жисмоний қучи билан амалга ошириладиган ташишлар ва ҳаракатланишлар (пиёда, чанғида, велосипед);

- ҳайвонлар ёрдамида (уловли, тужда, отда, итларда)

- механик воситалар билан;

- автомобиль транспортида (ғилдиракли, занжирли);

- релисли транспорт-темир йўллар, метро, трамвай, канатли йўллар;

- ҳаво шари транспорт воситалари.

Ҳаво орқали ташиш турлари:

- ҳаво шарлари ва дирижаблар, дельтапланлар, парашютлар;

- вертолётлар;

- кичик авиация самолётлари, гидросамолётлар, самолётлар, товушдан тез учар лайнерлар;

- космик аппаратлар.

Денгиз ва дарё сувлари орқали ташиши транспортлари:

- сол ва қайиқлар;

- елканли кемалар;

- кичик механик қучга эга флот қайиқлари;

- денгиз ва дарё кемалари;

- сув ости кемалар.

Ташишнинг барча хиллари ва турлари ишлатилиши ва техник воситаларининг фойдаланишига қараб кўплаб кўринишларга эга бўлади.

Ҳаво транспортида сайёҳларни ташиш. Авиаташувлар бошқа транспорт воситалари билан хизмат кўрсатишга нисбатан бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Бу энг аввало, об-ҳаво шароитига боғлиқлиги ҳамда самолётларнинг учиш ва қўниш жойларидағи ландшафт билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳаракатланадиган таркибдан фойдаланиш шарт-шароитлари аэропортларни ахоли яшайдиган жойлардан ташқарига чиқаришга мажбур қиласи ва йўловчилар бевосита учишга тайёргарлик кўриши учун анча кўп вақтни тақозо этади. Шунга қарамай, авиаташувлар ўзининг асосий устунлиги манзилга жуда тез элтиб қўйиши билан ер усти ва сув транспорти билан жиддий рақобатлашади.

Мамлакатда транспорт турларидан ҳаво йўллари транспорти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК йўловчи ва юкларни ташишда МДХ ва Европа давлатлари авиакомпаниялари орасида нуфузли ўринга эга бўлиб, бунда асосан ташувчи томонидан хавфсизлик масаласи биринчи ўринда эканлиги ҳаво лайнерларида кўрсатилаётган сервис хизматларнинг сифати ҳамда МАК да фаолият олиб бораётган ходимларнинг хушмуомалилиги, турли интерактив хизматларнинг кўплиги билан кўп маротаба ИСАО ва ИАТА халқаро авиация ташкилотларининг нуфузли совринлари билан тақдирланган. Ҳозирда “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК

самолёт парки таркибида 31 Boeing ва аэробуслар ва учиш узоқлиги 1000-4000 км масофадаги 30 дан ортиқ самолётлар билан таъминланган. Бугунги кунда 42 та халқаро рейслар ва барча ички шаҳарларга мунтазам самолёт қатновлари йўлга қўйилган.

1-жадвал маълумоти таҳлилини кўришимиз мумкин, таклиф этилаётган транспорт хизматларининг барчасида қулайлик, афзалик ва ноқулайликлари келтириб ўтилган.


1- жадвал

Ташкиллаштирилаётган турларда транспорт воситаларининг солиштирма тавсифи

I	Қулайликлари	Ноқулайликлари
	2	3
Авто-турлар	<ul style="list-style-type: none">юқори ҳаракатчанлиги;имконият, йўллардаги бекатлар;юқори даражадаги ахборотлиги.	<ul style="list-style-type: none">қулайлик даражасининг пастлиги;атроф-муҳитнинг ифлосланиши;керакли транспорт визаларини олишнинг шартлиги;катта бўлмаган ҳаракат тезлиги;хавфлилик даражасининг юқорилиги
Темир йўл турлари	<ul style="list-style-type: none">йўлдаги юқори қулайлик;юқори даражадаги ахборотлиги;ўртacha ҳаракатчанлик.	<ul style="list-style-type: none">транспорт визаларини олиш;юқори бўлмаган тезликда ҳаракатланиш;охирги манзилгача етиб бормаслик.
Авиа турлар	<ul style="list-style-type: none">юқори тезликдаги ҳаракатлар;йўлда ўрта ёки юқори даражадаги қулайлик;катта худудда ҳаракатланиш имконияти;транзит визаларига заруратнинг йўклиги.	<ul style="list-style-type: none">турларда ахборотланганлик даражасининг пастлиги;хавфлилик даражаси.
Денгиз саёҳати	<ul style="list-style-type: none">туристларга юқори даражадаги қулайлик;овқатлантириш, бўш вақт, жойлаштириш имкониятларининг кенглиги;денгиз соҳилига бориш мумкинлиги (умуман визасиз).	<ul style="list-style-type: none">атроф-муҳит билан алоқанинг камлиги;тезликнинг пастлиги;йўл визаси.

Манба: Саакян А.К. и др. Особенности формирования концепции управления авиапредприятием в условиях переходного периода. Монография 2010 г. Маълумоти асосида муаллиф ишланмаси.

“Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАҚ авиапаркининг янгиланиши, МАҚда жаҳон стандартларининг жорий қилиниши билан 1996 йилдан бошлиб халқаро йўналишларда йўловчи ташиш ҳажми аста-секин ортиб борди (1-расм).



**1-расм. 1996-2013 йиллар “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК қатновларида
йўналишлар бўйича йўловчи ташиш ҳажмлари**

Манба: “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК маълумотлари асосида муаллиф
ишланмаси.

МДХ мамлакатлари авиакомпаниялари орасида МАКнинг маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш ҳажмидан қўра халқаро йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичи юқори бўлиб, 2011 йилда умумий ташувларнинг 78,9 % ини ташкил этган.

Транспорт инфратузилмасининг яна бир салмоқли ўринга эга турларидан бири бу темир йўл транспорти саналади. “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компанияси мамлакатимизда ташувларнинг, яъни юк ташиш бўйича 60 фоизни эгаллади. Бугунги кунга келиб бу транспорт инфратузилмасида модернизация ва диверсификация ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

2013 йилда мамлакат ҳукумати Испания давлатидан “Talgo” русумидаги соатига 250 км тезликда ҳаракатланадиган Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича “Afrosiyob” тезюорар поезди қатновини йўлга қўйди. Ушбу тезюорар поезд қатнови 2020 йилга қадар Бухоро ва Хоразм туристик минтақаларига ҳам йўлга қўйиш мўлжалланган. Бундан ташқари “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг ички рейслар сонини кўпайтириш ҳамда аҳолидан тушаётган таклифларни инобатга олиб Тошкент ва Андижон воҳасини боғлайдиган темир йўл қатновини 2016 йилда ишга тушириш мақсадида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компанияси кўрсатаётган сервис хизматлари бугунги кунда маҳаллий ва хорижий меҳмонларга жуда ҳам сифатли ва кулай хизматлари билан барчани мамнун этиб келмоқда.

Ушбу келтирилган маълумотларнинг таҳлилларидан шуни хulosса қилиш мумкинки, мамлакатда ички туризмни такомиллаштиришда транспорт инфратузилмасининг аҳамияти қанчалик муҳимлиги ҳамда транспорт турлари таклиф этаётган хизматлар сифатини ошириш ва соҳада хизматларни мунтазам равишда диверсификациялаш йўлларини ишлаб чиқиш ўйланган мақсадга еришиш учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тухлиев И.С., Ибодуллаев Н.Э. Туризм операторлик хизматини ташкиллашибирининг асослари.
2. Костромина Е.Б. Авиатранспортный маркетинг; НОУ «Высшая Коммерческая Школа Авиабизнес».
3. Саакян А.К. и др. Особенности формирования концепции управления авиапредприятием в условиях переходного периода. Монография.
4. www.uzairways.com. - Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг расмий сайти.